

«Работи поён таъминот» МЧЖ, кейинги ўринларда «Сотувчи» деб юритилади. Ўзининг устави асосида иш юритувчи рахбари Ш.Бафоев, бир томондан Бухоро «Мурувват» ногиронлиги булган шахслар учун аёллар интернат уйи, кейинги ўринларда «Сотиб олувчи» деб юритилади, Ўзининг устави асосида иш юритувчи директори Б.Тешаев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

### 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(махсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк килиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(махсулот)ни қабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Махсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Бахоси
1	Ошқовок	Кг	1000	2000	2000000
2	Жами:				2000000

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (махсулот)ни етказиб бериш муддати: 2022 йил 31 январгача

### 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий 2000000(Икки миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинган Товар (махсулот) учун олдиндан тулов миқдори 600000 сумни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг январ ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 1400000 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил «31» январгача амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоида кўра, 15 фоиз миқдоридан олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

### 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (махсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (махсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши кери.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (махсулот) мавжудлиги хақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (махсулот)ни сифатлиси алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (махсулот) бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.